

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**47 Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни янада такомиллаштириш, уларнинг рўйхатини кенгайтириш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари негизида «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, уларга қуйидаги вазифалар юклансин:

замонавий халқаро тенденциялар ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ жойларда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ахборот ресурсларини юритиш ва янгилаш, минтақаларда ташкил этилган ва ташкил этиладиган давлат ахборот ресурсларини ва ахборот тизимларини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг веб-порталларини доимий равишда янгилаб бориш, интерактив давлат хизматлари, шу жумладан «бир дарча» тамойили бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

минтақада ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолатини ва уларни ривожлантириш истиқболларини доимий равишда таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

Янгидан ташкил этилаётган «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари фаолиятига норматив-методик раҳбарлик қилиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишув бўйича «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари уставларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар, давлат рўйхатидан ўтказиш ва устав жамғармасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминлашни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаш-

тириш марказларидан ўтказиладиган мол-мулкларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий идора ва компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлашни амалга оширсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари таъминоти учун харажатларни молиялаштириш уларнинг фаолиятдан олинган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 1 февраль,
24-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 1 февралдаги 24-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатида:

а) 67, 69, 72, 73, 74 ва 75-позициялар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

67.	Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар реестри	Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
69.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш ягона давлат реестри	
72.	Товар-хом ашё биржаларида биржа савдоларида профессионал иштирокчилар сифатида аттестациядан ўтган шахсларнинг ягона давлат реестри	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси
73.	Кўчмас мулк биржаларида биржа савдоларида профессионал иштирокчилар сифатида аттестациядан ўтган шахсларнинг ягона давлат реестри	
74.	Риэлторнинг малакавий сертификатиغا эга бўлган жисмоний шахслар реестри	

75.	Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар реестри	
-----	---	--

б) 83-3-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 83-4 ва 83-5-позициялар қўшилсин:

83-4.	Божхона ташувчилари реестри	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
83-5.	Божхона брокерлари реестри	

в) 86-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 86-1-позиция қўшилсин:

86-1.	Концертлар ва томоша тadbирлари ўтказишга гастрол-концерт гувоҳномаси олган шахслар реестри	«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
-------	---	--------------------------------

г) 97-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 97-1 — 97-4-позициялар қўшилсин:

97-1.	Рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари реестри	Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
97-2.	Рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемалари реестри	
97-3.	Сертификатланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари реестри	
97-4.	Сертификатланган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемалари эксплуатантлари реестри	

д) 99-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 99-1 ва 99-2-позициялар қўшилсин:

99-1.	Алкоголли маҳсулотлар сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига берилган лицензиялар реестри	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
99-2.	Рўйхатдан ўтказилган кичик корхоналар ва хусусий тadbиркорлар реестри	

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Базавий интерактив давлат хизматлари реестрида:

а) 19-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 19-1-позиция қўшилсин:

19-1.	Ота-оналар учун болаларни режали вакцинация ва тиббий кўриқдан ўтказиш зарурияти тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
-------	---	--

б) 24-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 24-2 ва 24-3-позициялар қўшилсин:

24-2.	Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
24-3.	Хусусий тадбиркорларни текшириш натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

в) 26-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 26-1 — 26-4-позициялар қўшилсин:

26-1.	Давлат статистика ҳисоботлари бланкалари шакллари тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
26-2.	Статистик классификаторлар бўйича ахборотлар тақдим этиш	
26-3.	Электрон аризаларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш, шунингдек Интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтыда очиқ фирма номларини захиралаш ва вақтинча сақлаш	
26-4.	Электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботлари юбориш хизматлари кўрсатиш	

г) 27-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 27-2 — 27-4-позициялар қўшилсин:

27-2.	Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатуралари рўйхатини тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
27-3.	Божхона брокерлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
27-4.	Мажбурий сертификатланиши лозим бўлган товарлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

д) 31 ва 32-позициялар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

31.	Қимматли қоғозлар бозори, банк ва суғурта секторлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Давлат мулки қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги
32.	Коммунал хизматлар учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Молия вазирлиги

е) 36 ва 37-позициялар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

36.	Мамлакатнинг транспорт-коммуникация комплекси: автомобиль йўллари ва темир йўллар, фуқаро авиацияси тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтойўл» ДАК
37.	Йўловчи ташиш темир йўл ва авиация транспорти қатновлари жадвалини, вокзалларнинг маълумотлар бериш хизматлари рўйхатини тақдим этиш	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари»

ж) 40-2-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 40-3 — 40-6-позициялар қўшилсин:

40-3.	Абонентнинг стационар телефон алоқаси хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоби ҳолати, шунингдек унинг қарздорлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
40-4.	Абонентнинг Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоби ҳолати, шунингдек унинг қарздорлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
40-5.	Жўнатувчиларга ва олувчиларга хатлар ва бандероллар етказиб берилганлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
40-6.	Дастурий маҳсулотларнинг миллий ишлаб чиқувчилари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

з) 45-позиция қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

45.	Илм-фан, таълим, ахборот ва маданият бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурслари ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналари рўйхатини тақдим этиш	Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
-----	---	--

и) 47-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 47-1 ва 47-2-позициялар қўшилсин:

47-1.	Ер участкаларига ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар тартиби ва таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
-------	---	---

47-2.	Бинолар ва иншоотларга ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар тартиби ва таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
-------	---	--

к) 50-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 50-1 ва 50-2-позициялар қўшилсин:

50-1.	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиачипталарини банд қилиш ва сотиш, шунингдек банд қилиш ва сотишни амалга ошириш бўйича ахборотлар тақдим этиш	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси
50-2.	Авиакомпаниянинг маҳаллий, халқаро рейсларга бериладиган имтиёзлар, чегирмалар ҳамда уларни қўллаш қоидалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

л) 52-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 52-1-позиция қўшилсин:

52-1.	Давлат экология экспертиза хулосасини бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар таркиби бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
-------	---	--

м) 55-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 55-1 — 55-7-позициялар қўшилсин:

55-1.	Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
55-2.	Маҳсулотларни сертификатлаш ва мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати бўйича ахборотлар тақдим этиш	
55-3.	Ўлчовларни бажариш методикаси давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш	
55-4.	Аккредитация қилинган метрология хизматлари давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш	
55-5.	Сифатни бошқариш сертификатлашган тизими давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш	
55-6.	Ўлчов воситалари давлат реестри бўйича ахборотлар тақдим этиш	
55-7.	Ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

н) 58-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 58-1 ва 58-2-позициялар қўшилсин:

58-1.	Банк фаолиятини амалга ошириш учун тижорат банкларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
-------	--	---

58-2.	Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
-------	--	--

о) 65-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 65-1 ва 65-2-позициялар қўшилсин:

65-1.	Илмий ва илмий-техникавий тадбирлар ўтказиш режасига таклифларни электрон рўйхатга олиш	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси
65-2.	Илмий-тадқиқот ишларни бажариш натижаларини электрон рўйхатга олиш	

п) 68-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 68-1 — 68-5-позициялар қўшилсин:

68-1.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаш бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
68-2.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
68-3.	Ўзбекистон Республикасининг ҳаво кемалари эксплуатантларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
68-4.	Авиация техникаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
68-5.	Ўзбекистон Республикасига мунтазам равишда парвозларни бажариш учун хорижий авиаташувчиларга фойдаланиш рухсатномаларини бериш бўйича ахборотлар тақдим этиш	

р) 73-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 73-1-позиция қўшилсин:

73-1.	Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш бўйича ахборотлар тақдим этиш	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
-------	---	---

с) 77-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 77-1-позиция қўшилсин:

77-1.	Шаҳар йўловчи транспортда юриш учун ойлик йўл карточкалари турлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	«Toshshahartransxizmat» уюшмаси
-------	---	---------------------------------

т) қуйидаги мазмундаги 85 — 150-позициялар қўшилсин:

85.	Суғуртачилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек лицензия олиш учун тегишли бланкалар ва аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
86.	Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек лицензия олиш учун тегишли бланкалар ва аризаларнинг электрон шакллари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
87.	Малака сертификатиغا эга бўлган аудиторлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
88.	Монополистик корхоналар ва табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нархлар (тарифлар)ни декларациялаш (тасдиқлаш) учун аризалар қабул қилиш	
89.	Мактабларнинг 9-синфлари битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
90.	Банк хизматлари олиш учун зарур бўлган махсус аризалар ва бошқа шаблонлар шаклларини электрон шаклда тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
91.	Банк счётларини масофадан хизмат кўрсатиш тизимига улаш шартлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
92.	Банк счётларининг масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали шахсий счётлар бўйича қолдиқлари ва маблағлар айланиши, берилган кредитларни қайтариш ҳамда мижозларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган фоизлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
93.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчилар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси
94.	Низоли вазиятларда суд сўровномалари бўйича материалларни баҳолашни экспертизадан ўтказиш эксперт комиссиялари ва экспертлар таркиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
95.	Давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда (устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари) ташқи аудитни ўтказишига рухсат берилган аудиторлик ташкилотлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
96.	Баҳолаш ташкилотлари ва биржалар, риэлторлик фаолияти учун лицензиялар бериш учун ариза бланкалари, шунингдек баҳоловчининг	

	малака имтиҳонидан ўтиш ҳамда жисмоний шахсларнинг биржа савдоларида профессионал иштирокчилар сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига аттестациядан ўтиш учун тўлдириладиган анкеталар тақдим этиш	
97.	Ўзбекистон Республикасида баҳоловчилар ва биржа савдоларининг профессионал иштирокчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланадиган мавжуд ўқув марказлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
98.	Жисмоний шахсларни биржа савдолари иштирокчилари сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун аттестациядан ўтказиш тартиби ва жадвали ҳамда ўтказилган тест натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
99.	Баҳоловчиларни малака имтиҳонидан ўтказиш тартиби ва жадвали ҳамда ўтказилган тест натижалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
100.	Юридик шахсларга саноат алпинизми усули билан баландликларда таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар беришга ахборотлар тақдим этиш, аризалар қабул қилиш ва уларнинг реестрини юритиш	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
101.	Юридик шахсларга хавфи юқори бўлган объектлар ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларда таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар беришга ахборотлар тақдим этиш, аризалар қабул қилиш	
102.	Юридик шахсларга мудофаа объектларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар беришга ахборотлар тақдим этиш, аризалар қабул қилиш	
103.	Юридик шахсларга кўприклар ва туннеллар қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш бўйича ахборотлар тақдим этиш, аризалар қабул қилиш	
104.	Танлов савдолари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, савдоларга электрон шаклда аризалар қабул қилиш	
105.	Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек уларни рўйхатдан ўтказиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
106.	Матбаа корхоналарини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек гувоҳнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

107.	Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
108.	Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар мутахассисликлари номенклатуралари ва паспортларини тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси
109.	Ҳимоя қилинган диссертация ишларининг илмий ва илмий-амалий аҳамияти тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
110.	Диссертация ишларини ҳимоя қилиш учун рухсат берилган мутахассисликлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
111.	Бажариладиган докторлик ва номзодлик диссертациялари мавзулари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
112.	Илмий даража ва илмий унвон берилган шахслар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
113.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш амалга ошириладиган мутахассисликлар бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
114.	Халқ ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизи-мида педагогик кадрларга берилган малака тои-фаси ва эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази
115.	Таълим муассасаларига берилган аккредитация гувоҳномалари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
116.	Нодавлат таълим муассасаларига берилган лицензиялар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
117.	Ўзбекистон Республикасидаги наркотик вазият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
118.	Ўзбекистон Республикаси бўйича об-ҳаво маълумоти	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази
119.	Нефть, газ ва газ конденсати қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси

120.	Автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш шохобчалари орқали нефть маҳсулотларини сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
121.	Саноат мулкчилиги объектлари, селекция ютуқларига муҳофаза ҳужжатлари, ЭҲМ, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказишга буюртманомалар беришга аризалар қабул қилиш ва ахборотлар тақдим этиш	Интеллектуал мулк агентлиги
122.	Саноат мулкчилиги объектларидан, селекция ютуқларидан, ЭҲМ, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологиялари учун дастурлардан фойдаланиш учун ҳуқуқлар бериш бўйича лицензия шартномалари, шунингдек уларнинг тўлиқ ёки қисман воз кечиш тўғрисидаги шартномалари ҳақида ахборотлар тақдим этиш	
123.	Транспорт хизматларини ташкил этиш бўйича мавжуд йўналишлар ҳамда фуқаролардан таклифлар қабул қилиш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
124.	Замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда очиқ танловлар асосида давлат харидларини амалга ошириш	
125.	Ҳаж ва Умра зиёратига боришни ташкил этиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш	
126.	Алкоголли маҳсулотлар савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
127.	Автомобиль ёнилгиси савдоларини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
128.	Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазер дисклари ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, уларни кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
129.	Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	

130.	Ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ахборотлар тақдим этиш ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш юзасидан ҳужжатлар қабул қилиш	
131.	Ишлаб чиқариладиган тармоқ маҳсулотларининг турлари рўйхати бўйича ахборотлар тақдим этиш	Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси
132.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари бўйича ахборотлар тақдим этиш	Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концерни
133.	Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариладиган дори-дармон воситалари номенклатураси тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
134.	Замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда очиқ танловлар асосида харидларни амалга ошириш	«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси
135.	Автомобиль танлаш ва буюртма бериш бўйича ахборотлар тақдим этиш	
136.	Компания корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари, уларнинг тавсифлари ва хусусиятлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси
137.	Зарур формулярларни, шартномаларни электрон шаклда тақдим этиш	
138.	Алкоголли маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини автоматлаштирилган равишда текшириш имкониятини бериш	«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси
139.	У ёки бу суғурта маҳсулоти қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи «Суғурта калькулятор» суғурта полиси ҳисоб-китоби бўйича ахборот	«Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компанияси
140.	Компания мижозларидан суғурта ҳодисалари тўғрисида аризалар қабул қилиш	
141.	Китоблар ёки бошқа бадиий адабиётлар тайёрлаш ва нашр қилиш тартиби тўғрисида, газеталар, китоблар ва бошқа нашрлар турларини, электрон шаклда файлнинг мазмунини тегишли равишда ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқаришга қабул қилиш тарзидаги қўшимча хизматлар турлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
142.	Китоблар ва тайёрлашга имконияти бўлган қоғозли тоза товарлар рўйхатини тақдим этиш	
143.	Ишлар турларига баҳолар, ишлаб чиқариш шартлари, газеталар ва журналлар (ҳар ойда янгилаш) ҳақидаги бошқа маълумотлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	

144.	Газеталарни тарқатиш ва кузатиб бориш, босма нашрларни савдо минтақасининг манзили билан тарқатиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	
145.	Гастрол-концерт фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
146.	Тўйлар, туғилган кунлар ва бошқа тантаналарга концерт хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек ушбу хизматларни кўрсатишга аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
147.	Концертлар ва томоша тадбирлари ўтказишга гастрол-концерт гувоҳномасини олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек гувоҳнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш	
148.	Ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол товарлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ҳамда уларга Интернет тармоғи орқали буюртманомалар қабул қилиш	«Ўзметкомбинат» ОАЖ
149.	«Ўзметкомбинат» ОАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган рангли металллар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ҳамда уларга Интернет тармоғи орқали буюртманомалар қабул қилиш	
150.	«Ўзметкомбинат» ОАЖда ишлаб чиқариладиган электродлар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш	